

ОРҚА МИЯ ЖАРОҲАТИНИНГ ЎТКИРЛАШГАН ДАВРЛАРИДА ОШҚОЗОНДАГИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ

Кадилов Назаржон Ҳабибуллоевич

Анатомия, клиник анатомия (ОХТА) кафедраси

Аннотация: Ушбу тезисда орқа миЯ жароҳатининг ўткирлашган даврида тадқиқот гуруҳи каламушлари ошқозонининг морфологик ўзгаришларига оид маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: ишемия, гипоксия, эрозия, геморрагия, дистрофия, некроз.

Ҳозирги кунга орқа миЯнинг жароҳатланишлари йўл-транспорт ходисалари (22,0-70,0%), кататраума (18,0-61,0%) ва сув травмаси (7,0-18,0%) билан боғлиқ жароҳатлар сони ортиб бормоқда (Бажанов С.П. с соавт., 2019; Chen J. et al., 2021; Gatti M.A. et al., 2020; Johansson E. et al., 2021).

Орқа миЯ жароҳати туфайли нафақат механик жароҳатланган жойда, балки ички аъзоларда ҳам травматик жароҳатдан кейинги айниқса овқат ҳазм қилиш тизимида айниқса ошқозондаги иккиламчи асоратлар диққатга сазовор бўлиб, уни янада чуқурроқ ўрганишни ва тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Материал ва методлар: Тадқиқот учун 10 та ҳар иккала жинсли оқ зотсиз каламушлар жалб этилди. Тадқиқотда оқ зотсиз каламушларда орқа миЯ жароҳати махсус ишлаб чиқилган модел асосида “баландликдан қулаш ҳодисаси” усули билан етказилган.

Органометрик, гистологик, гистоморфометрик ва микроскопик усуллар ёрдамида турли ёшдаги оқ каламушларда буйрак усти безларининг морфологик турли даражадаги тузилишлари (орган, тўқима ва ҳужайра даражасида) ўрганилди. Тадқиқот натижаларини қайта ишлаш учун статистик (усул) маълумотларидан фойдаланилди.



Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси: 3 ойлик оқ каламушлардаги орқа мия жароҳатланишининг ўткирлашаган даврда қуйидаги маълумотлар олинди: макроскопик томондан тадқиқот гуруҳининг 3 ойлик оқ каламушлар ошқозони тоқ орган ҳисобланиб, қорин бўлиғининг юқори қаватида жойлашганлигини кўриш мумкин. Ошқозоннинг макроскопик таҳлили жараёнида ошқозон шиллик қаватида гиперемия (қизариш) кузатилди. Ушбу ҳолат ошқозон шиллик қаватидаги қон томирларининг кенгайиши ва димланиши ҳисобига тўқ қизил рангда бўлишини кузатишимиз мумкин. Бундан ташқари ошқозон деворининг қалинлашганлигини ва шиллик қават устидаги табиий бурмаларнинг текисланиб, ялтироқ бўлиб қолганлиги аниқланди. Ташқи томондан кўздан кечирилганда иннервациянинг бузилиши ҳисобига ошқозон деворининг бўшашиб, ҳажми кенгайиб кетганлигини кўришимиз мумкин. Натижада ошқозон қисқариб, ичидаги махсулотларни ичакка ҳайдай олмаслиги туфайли ошқозон ичида кўп миқдорда овқат қолдиқлари ва суюқлик тўпланиб қолишига ва иккиламчи асоратларнинг келиб чиқишига олиб келади. Ошқозон ҳаддан ташқари дам бўлиб шишиши натижасида эса унинг ички рельефи деярли текисланиб кетганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Гистологик текширув натижалари шуни кўрсатдики, орқа мия жароҳатидан кейинги ўткирлашган ва ўткир даврларида ошқозон шиллик қаватида қуйидаги қатор патоморфологик ўзгаришлар бошланади:

1. **Ишемия ва гипоксия:** Вегетатив асаб тизимидаги шок сабабли ошқозон деворидаги майда қон томирлари спазмга учрайди. Бу эса шиллик қаватнинг қон билан таъминланишини кескин камайтиради.
2. **Шиллик қават шиши:** Хужайралараро масофада суюқлик тўпланиши ҳисобига ошқозон девори қалинлашади ва шишади.
3. **Геморрагия (Қон қуйилиши):** Томирлар ўтказувчанлиги ортиши натижасида шиллик қават остига нуқтали (петехиал) қон қуйилишлари кузатилади.



4. **Дистрофия ва некроз:** Шиллик ишлаб чиқарувчи эпителий хужайралари нобуд бўла бошлайди, бу эса ошқозоннинг ўз кислотасидан химояланиш қобилятини йўқотади.

Шундай қилиб, гистологик жиҳатдан экспериментал гуруҳнинг орқа мия жароҳатланиши олган 3 ойлик оқ каламушлар ошқозон деворининг шиллик ва шиллик ости қаватларида патоморфологик ўзгаришлар айниқса ўткирлашган, ўткир, эрта даврларда яққол намоён бўлди.

АДАБИЁТЛАР

1. Бажанов, С.П. Отдаленные результаты применения задней фиксации при острых травмах шейного отдела позвоночника на субаксиальном уровне / С.П. Бажанов, В.Ю. Ульянов, С.В. Лихачев // Российский нейрохирургический журнал им. профессора А.Л. Поленова. - 2019. - Т. 11, № 3. - С. 5-8.

2. Chen, J. Epidemiological features of traumatic spinal cord injury in Guangdong Province, China / J. Chen, Z. Chen, K. Zhang [et al.] // J. Spinal Cord Med.- 2021. - Vol. 44, N 2. - P. 276-281.

3. Gatti, M.A. Demographic and clinical characteristics of individuals with traumatic spinal cord injury in Argentina from 2015 to 2019: a multicenter study / M.A. Gatti, M.P. Sampayo, A. Rolandelli [et al.] // Spinal Cord Ser. Cases. - 2020. - Vol. 6, N 1. - P. 109.

4. Johansson, E. Epidemiology of traumatic spinal cord injury in Finland / E. Johansson, T.M. Luoto, A. Vainionpää [et al.] // Spinal Cord. - 2021. - Vol. 59, N 7. - P. 761-768.

